

**Корхоналар ва ташкилотлар
фаолиятининг умумий
таърифи**
(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2016 йилнинг 1 июль ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 19822 тани ташкил қилиб, шундан 18111 таси ёки 91,4 фоизи фаолият кўрсатмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо 5262 та (26,5 фоизи), саноат 3223 (16,3 фоизи), қурилиш 1609 та (8,1 фоизи) ва қишлоқ ва ўрмон хўжалиги 1397 та (7,0 фоизи) соҳаларига тўғри келади.


2016 йилнинг 1 июль ҳолатига рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари бўйича қуйидагича тақсимланади:

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	бирлик	яқунга нисбатан фоизда	бирлик	яқунга нисбатан фоизда
Жами	19822	100,0	18111	100,0
шу жумладан:				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	1397	7,0	1294	7,1
саноат	3223	16,3	3057	16,9
қурилиш	1609	8,1	1389	7,7
савдо	5262	26,5	4474	24,7
ташиш ва сақлаш	613	3,1	579	3,2
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	799	4,0	716	4,0
ахборот ва алоқа	330	1,7	301	1,7
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	625	3,2	606	3,3
бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш	5964	30,1	5695	31,4

Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 85,0 фоизи нодавлат мулки шаклидаги корхоналар, шундан 34,6 фоизи хусусий корхоналар, 0,5 фоизи чет эл сармоеси иштирокидаги корхоналар, 0,2 фоизи акциядорлик жамиятлари, 49,7 фоизи бошқа корхоналар улушига тўғри келди.

Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар-юридик шахслар мулкчилик шакллари бўйича қуйидагича тақсимланади:

1 июль ҳолатига,
умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида



2016 йил январь-июнда жами 1023 та янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари – 981 та). Уларнинг асосий қисми Наманган шаҳри (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 39,8 фоизи), Наманган (9,5 фоиз), Чуст (6,9 фоиз), Тўрақўрғон (6,4 фоизи), Уйчи (6,4 фоизи) ва Чортоқ (5,4 фоиздан) туманларига тўғри келади.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 27,3 фоизи саноат, 25,0 фоизи савдо ва 7,5 фоизи қурилиш соҳаларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида 697 та корхона ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 61 таси (жами фаолияти тугатилганларнинг 21,5 фоизи) ихтиёрий тугатилиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.

2016 йил январь-июнь ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳамда аҳоли бандлиги бўйича давлат ва нодавлат секторларининг нисбати қуйидагича ифодаланади:

